



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (11.713)

Баҳоси эркин нархда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан биргаликда уюштирилиб, Бўстонлик туманида ўтказилган «Аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли» мавзусидаги семинар иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ўтказилган республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишида фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, қасддан одам ўлдириш жиноятлари юзасидан дастлабки тергов, тезкор-кидирув аҳволи ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

● Сирдарё туманилик тадбиркор Ботир Аҳмедов масъулияти чекланган жамият шаклидаги «САБЕ» музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Германиядан энг замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилган корхонада қисқа муддат ичида 100 миллион сўмликдан зиёд музқаймоқ ишлаб чиқарилиб, шундан 25 минг АҚШ доллари миқдоридагиси экспортга йўналтирилди. Энг муҳими корхонанинг фаолият бошлаши билан 20 нафар қишлоқ ёшлари ишли бўлди.

● Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Вардонзе» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi тўртта аҳоли пункти газлаштирилди. Натижада 1600 та хонадон аҳли «зангори олов»дан баҳраманд бўла бошлади.

● Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидаги «Шарбат» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонасида соатига 10 минг шиша идиш газли салқин ичимлик ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хоризж технологик линияси ишга туширилди.

● Андижон вилояти Пахтаобод туманида ёғочни қайта ишлаш, ёғоч ҳамда алюминий эшик ва ромлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Резонанс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ундан ортиқ иш ўринлари яратилган янги корхона томонидан қисқа вақт ичида 25 миллион сўмликдан зиёд курилиш анжомлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Япониянинг Хиросима шаҳрида ушбу шаҳарга атом бомбалари ташланганлигининг 65 йиллигига бағишланган хотира тадбири ташкил этилди. Шаҳар марказидаги Тинчлик мемориалида уюштирилган тадбирда илк бор БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун иштирок этиб, нутқ сўзлади. Шунингдек, ҳар йили аънаваний тарзда ўтказиладиган ушбу хотира кечасида илк бор АҚШ вакиллари ҳам қатнашишди.

● Кеча Буюк Британияга ташриф буюрган Покистон президенти Асиф Али Зардорийни мамлакат бош вазири Дэвид Камерон қабул қилди. Ўзаро мулоқот чоғида мамлакатларнинг терроризмга қарши ҳамкорликдаги курашини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

● НАТОнинг Афғонистондаги халқаро кучлар бўйича раҳбарияти кеча толибонларнинг маҳаллий етакчиларини йўқ қилиш мақсадида Афғонистоннинг икки шаҳрига берилган бомба зарбалари натижасида тинч аҳоли вакилларининг ҳам ҳалок бўлганлигини тан олиб, жабрланганлар оилаларига товон пули тўланишини маълум қилди.

● Папуа-Янги Гвинея давлатининг Янги Британия оролида етти балли ер силкиниши рўй берди. Ҳозирча табиий офат натижасида жабрланганлар ва моддий зарар ҳақида маълумотлар йўқ. Мутахассисларнинг маълум қилишича, зилзила цунами хавфини келтириб чиқармади.

● Саудия Арабистонидаги суғурта компанияси шу йил март ойида Сомали қирғоқлари яқинида гаровга олинган «Ал-Миср ас-Сауди» танкери ва унинг 14 нафар экипажи аъзоси озод этилиши учун 20 миллион АҚШ доллари тўлашга розилигини билдирди. Таъкидлаш жоизки қароқчилар агар талаб қилинган пулни олишмаса, асирлар ҳаётига жиддий хавф туғилишини маълум қилишган.

**Ўзбекистон тарихий обидалари, маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан кўп сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎЗА мухбирлари пойтахтимизда сайр қилиб юрган сайёҳларнинг таассуротлари билан қизиқди.**

**Ўзбекистон — хоризжликлар нигоҳида**

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ЖУДА ЮҚОРИ

Со Чанг ХА (Жанубий Корея):

— Тошкентга тўрт йил аввал хизмат юзасидан келиб, ишбилармонлар форумида иштирок этгандим. Юртингиз ташқи дунё билан алоқалари кенгайиб бораётганида, кўп сонли давлатлар билан ҳамкорликда ийрик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Бу жараёнда испаниялик ишбилармонларнинг янада фаол иштирок этишини истардим.

Дип РАНГАН (Ҳиндистон):

— Юртингизда халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни диққат билан кузатиб бораман. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президент Ислоом Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона иқтисодий сиёсат боис Ўзбекистон ҳар томонлама изчил ривожланимоқда.

Блас ВАРГАС (Испания):

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминдаги осойишта ва фаровон ҳаёт, тинчлик ва барқарорлик ҳавасим келди. Тошкент ва Самарқандда одамлар билан мулоқот қилдим. Улар ўз ҳаётини жуда мамнун. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, миллий ва замонавий услубни уйғунлаштирган кўплаб маҳобатли бинолар мени лол қолдирди.

Ўзбекистонда қулай сармовий муҳит, чет эллик ишбилармонлар учун катта имконият ва имтиёзлар яратилган. Бунинг тасдиғини Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқалари кенгайиб бораётганида, кўп сонли давлатлар билан ҳамкорликда ийрик лойиҳалар амалга оширилаётганида кўриш мумкин. Бу жараёнда испаниялик ишбилармонларнинг янада фаол иштирок этишини истардим.

Иззат АМИР (Малайзия):

— Ўзбекистонга кўп келганман. Ҳар гал иқтисодиёт, маданият, таълим, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда рўй бераётган улкан ўзгаришлардан ҳайратланаман. Шаҳарлар инфраструктурасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилаётган бекиёс ишларга таҳсинлар айтса, арзийди.

Ўзим Кота-Бару шаҳридаги мактабда тарих фанидан дарс бераман. Ўзбекистондаги лицей ва коллежлар билан танишиб, таълим соҳасига берилётган юксак эътибор самараларига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мукамаллиги билан ажралиб туради. Яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда юқори. Бу ҳам таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир. Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажаги янада порлоқ эканига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистон халқининг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч-осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Буларнинг барчаси хоризжликлар эътиборини тобора оширмоқда. Ўзбекистонга бир келган

Нодира  
МАНЗУРОВА,  
Мадина УМАРОВА  
суҳбатлашди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Курилиш майдонларида

## ЯНА БИР КЎРКАМ БИНО

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори курилишда ҳам изчил ислохотлар олиб борилмоқдаки, бу шаҳару қишлоқларимиз қиёфасида, муҳташам иншоотлар тиссолида ёрқин аксини топмоқда. Бу борада толмас қўлли бунёдкорларимизнинг ҳиссаси бекиёс.

Шаҳримизда ҳам йил сайин кўркам, замон билан ҳамоханг турар жой бинолари кўпайиб, пойтахтимиз чиройини очиб борабариди юзлаб оилаларни ҳушнуд этмоқда. Ана шундай салобатли бинолардан бири айни кунларда Хуршид ва Шароф Рашидов кўчаларида қад ростламоқда. 200 хонадонни ўз бағрига оладиган мазкур турар жой биноси тўққиз қаватдан иборат бўлиб, ўзига хос кўрки, яшовчиларга яратиладиган шинамлигу қулайликлари билан ажралиб туради. Курилиш ишларини бош пудратчи — «Manufacturing Strategy» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда. Ёзининг иссиқ кўнларини ганимат билган қурувчилар лойиҳада кўзда тутилган ишларни сифатли удаллаш мақсадида вақтдан унумли фойдаланишмоқда.

— Жамоамизнинг 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилари курилиш майдонида меҳнат қилмоқда, — дейди ишбоши Акбар Ирисметов. — Қад ростлаётган уйнинг ертўласида автомобилларни сақлаш жойи, биринчи қаватида савдо ва маъшият хизмат шохбчалари жойлашини бу ерда яшовчилар учун алоҳида қулайлик бўлади. 1,2,3,4 хонадан иборат уйда иккитадан лифт хизмати йўлга қўйилади, баҳаво айвонлар барчага ёқини таби-

ий. Ҳозирда уйнинг бешинчи қаватида курилиш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Шунинг борабариди оқва суви тизими, пардозлаш ва бошқа юмушлар ҳам кетма-кет бажарилади. Қурувчиларимизнинг гайрат-шижоати баланд. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, мустақиллигимизнинг 19 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олаяпмиз.

Курилиш майдонида ўз касбининг усталири бўлган тикловчи, фишт терувчи, пайвандчи, дурадгор, сувочу, электрчи ва бошқаларни учратишингиз, уларнинг ҳам-жиҳатлидаги меҳнатига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Шу ўринда Неймат Рўзметов, Фанис Хусаинов, Фурқат Эгамбердиев, Рашид Аташев сингари бунёдкорларни алоҳида таъкидлаш лозимки, улар ўз шижоати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Энг муҳими эса бу ерда меҳнат аҳли учун барча шароитлар яратилган.

Салобатли ва пойтахтимизга ярашқили мазкур турар жой биноси жорий йилда қуриб битказилиб, 2011 йилда барча қулайликлари билан фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТДА: илгор бунёдкорлар  
Равиль Курмаев ва Неймат Рўзметов  
Ҳақимжон Солихов олган сурат

## ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ!

Мамлакатимизда 5 август куни UZ-2010 миллий домени интернет-фестивали бошланди. Ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳамда «Mirada Software» компанияси томонидан ташкил этилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фестивалнинг расмий кўмакчилари ҳисобланган.

миллий домени 1995 йил 29 апрелда ташкил этилган. 2010 йилнинг 5 август ҳолатига кўра, фақат иккинчи даражали UZ миллий домени

ҳудудидagi фаол доменлар сони 10500 дан ортади. Шу билан бирга UZ доменига тааллуқли учинчи даражали яна бир неча минг домен-

лар ҳам мавжуд. 2010 йил бошидан буён UZ домени ҳудудида мингдан ортиқ иккинчи даражали доменлар рўйхатга олин-

ган. Айнан шу сабабли 2010 йилдан бошлаб интернет-фестивалларни ҳар йили ўтказишга қарор қилинди. Фестивални ўтказишнинг асосий ташаббускорлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «UZINFOCOM» маркази «UZ» домени ҳудудининг маъмурилари ҳисобланади.

Бу йилги фестивал 5 августдан 20 сентябргача давом этади. Унинг яқунларини «Infocom-2010» ахборот технологиялари ҳафталигининг биринчи кунини сарҳисоб қилиш режалаштирилган. (Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Истироҳат» маҳалласида Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали билан ҳамкорликда «Она сuti — табиат неъматини» мавзусида ёш оналар учун учрашув ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ўтказилган тадбирда республика ташқарисидан ўткир юқумли касалликлар, хусусан куйдирги хасталиги кириб келишининг олдини олиш ҳақида сўз борди.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Аҳолининг кенг қатламлари орасида Интернет тармоғини оммалаштириш, ижод, касбий фаолият, дам олиш, ишончли ва тезкор ахборот манбалари сифатида ривожлантириш, Интернет тармоғида ўзбек тилини қўллаш соҳасини кенгайтириш, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни халқимиз тарихи, маданияти ва миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам миллий контентни ривожлантиришга кўмаклашиш фестивалнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Танловда фестиваль давомида фаолият кўрсатадиган ва UZ доменида рўйхатга олинган сайтлар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этувчилар ҳайъат аъзолари, сайт эгалари ва барча хоҳловчилар томонидан фестивалнинг [www.if.uz](http://www.if.uz) расмий сайтида тақдим этилган рўйхатга олиш шакли бўйича кўрсатилиши мумкин. Иштирок этиш учун аризалар 2010 йилнинг 5 августидан 5 сентябргача қабул қилинади.

## ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ!

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Фестивалнинг танлов дастури 14 та мавзуга оид ва 2 та махсус номинацияни ўз ичига олади.

Бу йилги танлов дастурига 14 мавзуга оид номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари киритилган. Ушбу махсус номинацияда маълум вақт ичида ҳар номинация иштирокчилари орасида энг кўп балл тўплаган 14 та сайт ғолиб бўлади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили, деб эълон қилиниши туфайли мавзуга оид янги номинацияларнинг жорий этилиши бу йилги фестиваль танлов дастурининг аввал-

гилардан муҳим фарқи жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси интернет-фестивалда иштирок этиш ва ўзининг мавзуга оид иккита номинациясини киритишга қарор қилди. Зеро, хотин-қизлар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан танлов дастурига «Ўзбекистон хотин-қизлари томонидан яратилган энг яхши веб-саҳифа ёки веб-блог» ва «Хотин-қизлар ва болаларнинг репродуктив соломатлиги ҳамда соғлом турмуш тарзига бағишланган энг яхши сайт» номинациялари киритилди. Мазкур номинациялар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси экспертлари томонидан баҳоланади. Ғолиблар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг дипломи ва совринлари билан тақдирланади. Шу тарихи, фестиваль ахборот-коммуникация техно-

логиялари бўйича кўникама ва билимларга эга бўлган хотин-қизларни кўпайтириш, хотин-қизлар учун қизиқарли ҳамда фойдали веб-сайтлар ва электрон ресурсларни яратиш бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан ижодий фойдаланиш кўникмаларига эга истеъдодли ва истиқболли хотин-қизларни аниқлашга ёрдам беради.

Бу йилги фестиваль ташкилотчилари ҳисобланган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан эса «Ёшлар учун энг яхши сайт» номинацияси таъсис этилди. Ушбу номинация Баркамол авлод йилига бағишланган бўлиб, унда ёшлар учун мўлжалланган сайтлар (мактаблар, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юртлири, ёшлар ташкилотлари ва бирлашмалари сайтлари) иштирок этади. Баркамол авлод йилига бағишланган Интернет тармоғида эълон қилинган энг яхши материаллар муаллифларига мукофотлар ҳам мазкур номинацияда топширилади.

**В.НИКОЛАЕВ**

### Иқтисодиёт

## ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «Mosyan-teks» қўшма корхонаси нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топишга интилаётир.**

Россиялик ҳамкорлар билан шерикликда иш юритаётган мазкур корхонада бир йиллик ўртача маҳсулот айланмаси 1,5 миллиард сўмни ташкил этади. Маҳсулотнинг бир қисми қўшни давлатларга экспорт қилиниши ҳам йўлга қўйилди.

— Корхонамиз замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган, — дейди жамият бошқаруви раиси Ақром Ҳайдаров. — Маҳаллий хом ашё асосида трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқарамиз. Харидоргирилини таъминлашда 70 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимизнинг, модельер-дизайнчиларимизнинг изланишлари кўл келмоқда.

Мавсумий кийимлар яратилишида иқлим ўзгариши, ранглар ҳам эътиборга олинади. Ички бозор, харидорнинг дид ва талабига жавоб берадиган маҳсулот тайёрлашда корхонада ишчи-хизматчиларга барча қўлай шароитлар яратилган. Бу, албатта, иш самарадорлиги, маҳсулот сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган корхонада янги-янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Жорий йилда кичик савдо уйини ташкил этиш ҳам мақсад қилинган.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

**Юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда корхоналарнинг техник ва технологик қайта жиҳозланиши муҳим ўрин тутди. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда йилдан йилга ички бозоримиз сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирилиб борилаётгани қувонарлидир.**

Икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган «My lovely Asia Co» хорижий корхонаси шундай ишлаб чиқарувчилар сирасига қиради. Ҳозирда ички бозорга 50 турдан зиёд ювиш воситалари, шампунь, гел, махсус совунар чиқаришмоқда. Маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда корхонада қисқа муддатларда ПВА елимини тайёрлаш йўлга қўйилди. Изланиш бор жойда, албатта, янгиликлар яратилиб, уларнинг муваффақиятини таъминлаш йўлида саз-ҳаракатлар самара бермоқда. Бугунги кунда халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарувчи ушбу корхонанинг буортмачилари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айни пайтда 200 дан ортиқни ташкил этади.

Шу ўринда айтиш жоизки, корхонада янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали экспортни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга ҳам астойдил киришилган.

## ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

**Халқимизнинг бой меросини келгуси авлодларга етказишда, миллий ҳунармандчилигимиз доврени оламга кенг ёйишда имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз иқтидорини ва маҳоратини намоён этаётган қўли гул усталаримизнинг ҳиссаси салмоқли.**

Халқимизда «Хунар — хунардан ризқ унар» деб бежиз айтилмайди. Дарҳақиқат, хунари орқали рўзгорига барака киритаётган инсонлар фаолияти таҳсинга лойиқ. Сандиксозлик ҳам халқ амалий хунармандчилигининг ўзига хос йўналишларидан биридир. Ушбу хунар сир-асрорларини мукамал эгаллаган Қосимовлар сулоласи кўпчиликка таниш. Абдулла Қосимов ушбу сулоланинг тўртинчи вакили бўлиб, 45 йилдан буён сандиксозликни эъзозлаган ҳолда эл-юртга танилди. Қувонарлиси, устанинг нозик хунарини ҳозирда фарзанди ва келгусида набиралари давом эттириши умиди уни янада илҳомлантирмоқда.

— Ёшлигимдан сандик ясаб, уни безатишга жуда қизиқардим, — дейди Абдулла Қосимов. — Отамга кўмаклашиш асносида хунарга астойдил меҳр қўйдим. Унинг паст-баланд сирларини, сабр-қаноатга ўргандим, отамнинг ҳар бир ўғитларига амал қилиб, ҳаракатларини синчковлик билан кузатдим. Шўкрли, истиқлол туфайли хунармандларга имкониятлар эшиги кенг очилди.

Устанинг яратган ҳақиқий санъат даражасига етказилган гўзал буюмлари — тунука, мис, латун ва локдан тайёрланган сандиклар ўта ҳозирча, Улар нафақат юртимизда, балки Япония, Германия каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ҳам алоҳида эътироф этилган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**Банкларнинг тадбиркорлар билан ҳамкорлиги иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилidir. Тадбиркорликни йўлга қўйишда банклар томонидан бошланғич сармоянинг берилиши жуда қўл келади. «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банкида ҳам кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

### Фармон ва ижро

## БАНК КРЕДИТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

ЎЗА хабарига кўра, ҳозир мазкур банкнинг 36 филиал ва 131 мини-банк 52 мингдан зиёд кичик бизнес субъектига замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. «Ипотека-банк» томонидан 2010 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш мақсадида 101,6 миллиард сўм сармоя ажратилиб, 4068 янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш бўйича ўзбек-япон кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича 1070 тадбиркорга 15,5 миллиард сўм ва 2,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг микрокредитлар бора-сидаги муносабатларига биноан 25,5 миллиард сўмлик микрокредит берди. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис хизматлари ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 29,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тадбиркор

аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак беришда муҳим омил бўлаётир. Бу йўналишда банк томонидан 615 нафар тадбиркор аёлга 13,6 миллиард сўм миқдорида кредит берилди. Натижада 650 янги иш ўрни яратилди.

Тошкент шаҳридаги «Гратция плюс» корхонаси қолипчилик нон ишлаб чиқариш технология линияси харид қилиш учун 294 миллион сўм миқдорида кредит олди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида турли хилдаги қолипчилик ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 15 янги иш ўрни яратилди. Автосервис хизматлари кўрсатишни ривожлантириш учун «Фарангиз лазиз» маъсулияти чекланган жамиятига 200 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди, корхонада 8 та янги иш ўрни очилиб, автобилларга сифатли сервис хизмати кўрсата бошлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва машиини шартини яхшилашни қўллаб-қувватлаш бора-сида ҳам банк томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2010 йилнинг ўтган даврида банк уй-жой

қуриш ва харид қилиш истагида бўлган 1129 ёш оилага 14,7 миллиард сўмдан зиёд ипотека ва истеъмо кредити ажратди.

Ҳаётга янги қадам ташлаётган оилаларнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига ҳамда мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишига хизмат қилмоқда. Жорий йилда 104 ёш оилага берилган 1,5 миллиард сўм миқдоридаги кредит ҳисобига юздан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Ёш тадбиркор Равшан Далабоев бошқараётган «Паркент голд чиккен» маъсулияти чекланган жамиятига товуқ гўшти ва туҳум етиштиришни ривожлантириш мақсадида 27 миллион сўм ажратилди. Натижада корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга кўпайди. Яна бир ёш оила бошлиғи Мақсуджон Хусанов бошқараётган «Пронто-строй сервис» корхонасига ажратилган 16 миллион сўм эвазига сифатли эшик ва ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ипотека-банк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш чекланган жамиятига бора-сида олиб борилаётган тадбирлар юртимизда янги иш ўринлари яратилиши ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Сайёра ШОЕВА**



**Туғилиб ўсган муқаддас она юрт, шахримиз тарихини билиш ва ўрганиш ҳар биримиз учун жоиздир. Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг, айниқса азим пойтахтимизнинг икки минг икки юз йиллик тарихи, бу юртда яшаб ижод этган кўпгина аҳли донишлар, алломалар ҳақида билиш, шунингдек муқаддас зиёратгоҳлар билан танишишни истамайдиган киши бўлмаса керак.**

### Янги ижтимоий лойиҳалар

## ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

Мустақиллик йилларида шахримиз янада обод ва кўркем бўлиб, чиройига чирой қўшилди, файзу таровати ошди. Кенг ва ёруғ кўчалар, маҳобатли кўприклар, замонавий ўқув масканлари, шифохоналар, поликлиникалар, маҳалла гузарлари бунёд этилди. Муқаддас обидаларимиз, зиёратгоҳлар қайта таъмирланиб, кўркем қиёфага кирди.

Энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлолмизнинг 19 йиллиги олдидан Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими ва Ўзбекистон Давлат тарихи музейи ҳамкорликда туман тиббиёт билан-лашмалари ва даволаш-профилактика муассасалари шифокорларининг шахримиз тарихий обидалари ва зиёратгоҳларига ташрифи уюштирилди. «Тошкент тарихини ўрганиш» мавзусидаги сайёр тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдони, Ҳазрати имом мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Навоий номидаги Давлат академик катта опера ва балет театри, Ўзбек Миллий академик драма театри, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи сингари кўзга кўринган иншоотлари, зиёратгоҳлар би-



лан танишди.

— Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад, — деди Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, — тиббиёт ходимларининг маданий дам олишини ташкил этиш баробарида шахримиз тарихини ўрганишига кўмаклашиш, бунёдкорлик ишлари билан таништириш, бу борада учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишдан иборатдир. Бундай тадбирларни келгусида бошқа соҳа вакиллари билан ҳам давом эттириш ниятидамиз. Халқимиз маънавиятини юксалтириш, бебаҳо ва олий неъмат — мустақиллигимизни авайлаб-асраш, эъзозлаш бурчимиздир.

**Дилором ИКРОМОВА**  
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

### Анжуманлар

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Адлия бошқармаси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида мустақиллик йилларида хотин-қизларга бўлган эътибор янгича маъно ва мазмун билан бойиб бораётгани ҳақида сўз борди.

Хусусан, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Абдурахимов

**Оила ва жамият таянчи, соғлом ва комил авлод тарбиячиси бўлган аёлга эҳтиром ва эътибор халқимизнинг азалий қадриятларидандир.**

бу борада соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, аҳолининг, биринчи галда репродуктив ёшдаги хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат дастурлари

ишлаб чиқилгани ва изчил амалга оширилаётгани ҳақида тўхталиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар она ва бола скрининг тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, ёшлар саломатлигини доимий назорат қилиш, тиббий кўрикларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, туғруқ мажмуаларининг моддий-техник негизини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шу билан бирга айрим муаммолар-

нинг ечими юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. — Суҳбат давомида ҳар биримиз ўзимиз учун керакли маълумот олиб, тегишли хулоса ҳам чиқардик, — деди «Оила маросимлари» маркази мутахассиси Раъно Карабаева. — Дарҳақиқат, амалиётда баъзида муаммолар ва камчиликлар ҳам бўладики, уларни биргалликда ҳал этиш, соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда фикр алмашиши, албатта, самара беради.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**



**Жаҳон чемпионати-2010:**  
таассуротлар, мулоҳаза, таҳлиллар

**САККИЗОЁҚ БАШОРАТЧИ СИРЛАРИ ОЧИЛДИ**

Яқинда бутун дунёни ҳайратга солган футбол бўйича жаҳон чемпионати бир неча учрашув натижаларини тўппа-тўғри топа олган денгиз жонивори — башоратчи саккизоёқ Пауль билан ҳам ёдимизда сақланади. Унинг башоратлари ҳам миллионлаб ишқибозларни ҳаяжонга солиб тургани маълум. Шунинг учун ҳам унинг тақдирига бўлган қизиқиш ҳали сўнггани йўқ. Шунинг хисобига олиб, россиялик журналист Александр Милкус ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ростини айтганда, олдинлари мен саккизоёқларнинг тафаккур қобилияти билан унчалик қизиқмаганман. Бироқ, аслида чиндан ҳам бу шунчаки жўн иш эмас экан. Оберхаузен немислар шаҳарасидаги Sea Life («Денгиз ҳаёти») аквариуми хизматчилари фақат чиройли кўзлари учун Паулга башоратчи ролини топиришмаган экан.

— Биз футбол бўйича жаҳон чемпионати давомида миҳозларимизнинг эътиборини тортганидан бироқ нарсага топишни ўйлагандик, — дея тушунтиради менга аквариум ходими Даниэль Фей. — Пауль эса тўп билан ўйнашни яхши кўради — худди ҳақиқий тўпсурарлардай. Шунингдек у турли яшириб қўйилган жойлардан овқатини топиб олишни қўйилмақом уладалайди. Шунинг учун биз навбатдаги учрашувда қатнашадиган икки жамоа мамлакатни байроқлари елимлаб ёпиштирилган икки кутчинани туширишни ўйлаб топдик.

Саккизоёқларнинг башоратчилик кўникмалари бўйича махфий тадқиқотлар ҳақида немис биологари ҳатто эшитишмаган ҳам эди. Лекин шунчаки ҳам бўлиши мумкинлигини истисно этишмайди! Ахир Пауль топиришган саккизоёқнинг ҳаммасининг натижаларини тўғри топди-ку! Буни қандай изоҳлаш мумкин?

— Сиз балки ишонолмассиз, Пауль шунчалар ақлики! — дейди Даниэль ва унинг овозида мен нозик меҳрни туяман. Пауль билан танишганимдан кейин мен саккизоёқ панжалли моллюскалар ҳақида анчагина маълумотлар тўпладим ва кўпга фаройиб далилларни билиб олдим. Денгиз жониворлари бўйича мутахассислар,



жумладан, саккизоёқларни океанларнинг энг интеллектуал жониворлари деб ҳисобланади ва гоёт жиддий равишда уларни мушуклар билан таққослашади. Оёқбошли моллюскалар баъзи нарсаларда тўртоёқликлари орта қолдириб ҳам кетишаркан.

Чунончи, саккизоёқлар ҳар қандай чигаллаштириб ташланган лабиринтлардан чиқиш йўлини осонгина топишаркан. Ҳатто улар ёпиқ контейнерлар ва сейфлардан чиқишни уқдлашаркан. Олдий саккизоёқ икки рублик танга қалинлигидаги ёриқдан эркинликка чиқиб кета олади!

Аквариумда Паулни ёшгина икки ходима — Мария ва Габи парвариш қилишади. Улар саккизоёқни овқатлантиришади, у билан ўйнашади. Саккизоёқ уларни танийди, улар олдига сузиб келиб, мушукчалардай эркаланади ҳам. Лекин сувга беихтиёр ботирилган бегона одамнинг кўлини саккизоёқ чўки олиши мумкин (уларнинг оғзида тўтиқушларнига ўхшаш тумшуги бўлади).

Паулни яна ховузни тозалайдиган симчўтқага ўхшаш семимли чўткаси ҳам бор. Уни сувга туширишганда, сийпалагичлари билан уни ўраб олиб, ҳар томонга суради. Ходимлар овқатлантириш-

га чақиршганда уни кўриш мумкин бўлади. Сувда Мариянинг кўли пайдо бўлди. Аквариум тубидан бир неча майда тошларни олиб, киз улари сувга ташлаб бошлади. Пауль мудраб ётарди. Мария чўткани сувга туширди. Саккизоёқ томонидан ҳеч қандай ҳаракат бўлмади. Яна аквариум тубига тошчалар ёғилди. Беш дақиқалардан кейин Пауль ўз ёриқдан эринибгина чиқиб келди ва ойнага ёпишиб, қизиқувчан бир кўзини тикилтирди.

— Қалайсан, биродар! — дея унинг олдида чўққайиб ўтирдим. Пауль иккинчи кўзини ҳам ойнага ёпиштирди ва, назаримда, айёрона кўзларини қисгандай туюлди. Нега саккизоёқлар шунчалик зийрак бўлишаркин? Шу ҳақда Даниэль Фейдан сурадим. У елкасини қисди. Олимларнинг ҳам бу ҳақда аниқ жавоблари йўқ-у, аммо ҳақиқатга ўхшаб кетадиган фаразлари мавжуд.

Ёш болалар танаси тез ва тўғри ривожланиши учун психологлар оналарга диққатни жамловчи ўйинларни ўйнашни тавсия этишади: пирамидаларни тиклаш, пластилиндан нарсалар ясаш каби амалларни бажариш кўзда тутилади. Бармоқлар қанчалик чаққон ишласа — унинг эгаси шунчалик фаҳм-фаросатли ҳисобланади. Саккизоёқларда ҳам худди шундай. Улар аниқ ва мураккаб ҳаракатларни бажариша олади. Масалан, чиганок, тош ва денгиз қисқичбақалари зирхларидан уста меъморлардай мураккаб иморатлар бунёд этишади. Яшаш учун уларга кўпга турли хил чинакам ижодий муаммоларни ҳал этишларига тўғри келади. Зеҳнларининг ўткирлиги шундан бўлса ажабмас.

Шу тўғрисида саккизоёқларни ўргатиш анча осон. Улар инсон кўллари ҳаракатларини ўз пайпаслағичлари билан таққорлай олишади ва ҳатто ўз «сўхбатдошлари»ни «масҳара қилишлари» мумкин. Шунингдек, улар доноларча душман билан олишмаслик, тўқнашувдан имкон қадар қочишга интилишади. Олимлар алақачонлардан ақл-фаросат ва қобилиятлари учун саккизоёқларни барча денгиз жониворларидан устун қўйиб келишади.

Саккизоёқ Пауль 2008 йили Дорсет (Буюк Британия) аквариумида тутилган. Болақай жуда шўх бўлиб ўсди. Ойна остига сузиб келиб, томошабинларни томоша қилишни яхши кўради. Бир неча ойдан кейин у Германияга кўчиб ўтди. Уларнинг ўртача умри 2-3 йилдан иборат. Камдан-кам саккизоёқ тўрт ёшгача яшайди. Шунинг учун одамларга қиёслайдиган бўлсак, у ҳозирдаёқ нафақахўр.

Шуни айтиш керакки, футбол бўйича саккизоёқ башоратининг ҳаммаси тўғри бўлиб чиққанidan сўнг Пауль жуда машҳур бўлиб қолди. Мадрид ҳайвонот боғи саккизоёқни исталган жониворга алмаштириш таклиф қилди. Лекин немислар кескин жавоб қилишди: «Най!»

Жаҳон чемпионатидан кейин Паулга қарашга алоҳида ходимни қўйишди. Олаф Кипеннинг ўзи ҳам саккизоёққа ўхшайди: паст бўйли, думалоққина, бирон ҳодиса юз берадиган бўлса, у Пауль бошпанасининг олдида туриб олиб, ойнани бутун танаси билан тўсиб олади. Саккизоёққа тинч-осойишталик керак. Ёдингизда бўлса — башоратчи саккизоёқнинг муҳлислари жуда кўпайиб кетган, улар ҳар қандай шароитда уни ўзларига олиб, парваришлашга ҳозир эканликларини билдиришганди. Улар орасида мамлакатлар раҳбарлари ҳам бўлгани маълум. Sea Life ходимлари ҳар қанча катта пулга ҳам суюкчи жониворларини сотмасликларини билдиришди. Саккизоёқнинг биргина башоратини миллион еврога сотиб олишга харидорлар чиқгани ҳам сир эмас.

Дарвоқе, Пауль ўз эгаларига чемпионатдан кейин ҳам яхшигина даромад келтирадиган бўлди. Оберхаузен аквариуми эндиликда Пауль юмшоқ ўйинчоғини ясаб, ҳар бирини 7 евродан сотмоқда.

Менинг икки ўғлим бор, дея ҳикоя қилади Солижон Қаримов, уларнинг иккови ҳам бир муаммо билан бизни қийнашарди — яъни улар китобга, мутлолаага мутлақо лоқайд эди. Гудаклигида улар бирон нарса ни ўқиб берсангиз, жон-дилдан кулоқ туттиларди. Расмларни бармоқлари билан тешиб юборгудай босиб, эртақлар қаҳрамонларининг номларини ўз биланларича таққорлашарди. Алифбени анча тез ўзлаштириб ҳам олишди. Бироқ ҳавасга эмас, зарурат тўғрисида ўқигишга даъват этишингиз билан улар, «Ўзингиз ўқиб бера қолинг», дея қаршилиқ кўрсатадиган бўлишди.

Ўзгина катта бўлишгач, тенгдошлари билан сайрлар, телевизор, мультфильмлар, яна боз устига компьютер ҳам қўшилди. Буёғи тушунарли бўлса керак — китобдан йироқ ўқимайдиган болалар. Китобдан ўқиб-ўрганиб, таълим олган ота-оналар учун бу — чинакам фожеанинг ўзи.

Солижон аёли билан ташвиш чекиб, гагмин юришарди. Баъзан эса танишларига уялибги-

**Дам олиш соатларида**

на нолишарди. Оиланинг дўсти сифатида мен болақайларни шахматга ўргата бошладим. Улар кизиқиб қолишди — ишлар юришиб кетди. Дебютларни Капабланка китоблари асосида ечардик. Бундай китобнинг фойдасини улар англаган-

ашаддий китобхон бўлиб қолганини ҳам айтиб берди. Шундан кейин Солижон ва аёли бирмунча таскин топиб, хотиржам бўлишди. Шундай қилиб, орадан йиллар ўтди. Унинг фарзандлари илми, китобга қизиқувчан кишилар

она хотиржам бўлдими — буни болалар дарҳол сезишган, уларнинг елкасидан мажбурият юки тушиб, унинг ўрнини қизиқиш, интилиш каби хусусиятлар эгаллаган.

Солижон бир кўни Одилжон билан ўз қувончини ўртоқлашди. У таажжуб билан дўстига қаради: «Мен шундай деганми-дим?» Кейин ўзи эътироф этди — одам китоб ўқишга қизиқиш билан қарайдиган махсус ёш ҳам, бошқа шартлар ҳам йўқ. Бу гапларни мен сизларни тинчлантириш учун ўйлаб чиқаргандим. Чунки ҳар қандай қизиқиш ва ҳар қандай кўникма ҳар бир одамда ўз вақтида пайдо бўлади ва бу айна ҳақиқат. Шунингдек, табиатни шоширининг ҳолати йўқ — бу ҳам айна ҳақиқат. Акс ҳолда ишни бузиб қўйиш мумкин. Келин билан сиз тинчланишингиз билан болалар бунин пайқашган. Уларнинг елкасидан мажбурият тоғи ағдарилиб, унинг ўрнини қизиқиш, иштиёқ эгаллаган. Китобхон оилада бундай бўлмаслиги мумкин ҳам эмасди. Болалар тарбияланётган муҳитнинг ўзи муҳим аҳамиятга эга.

Саидқаром САИДВАЛИЕВ

**МУТОЛААГА ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ МУМКИН?**

дай бўлишди. Аммо шундан кейин ҳам шеърларни-ку қўяверинг, бирон киссани ўқишга ўтказиш... мутлақо удалаб бўлмайдиган вазифа эди.

Психолог, фан номзоди Одилжон Исҳоқов Солижонлар ташвишига олимларга хос босиқлик билан ёндошди. Одамнинг ўқишга киришиб кетадиган бир қанча ёш даражалари бор, деди у. Олти-етти ёшда ўқимаса — ўн ёшда китобларга шўнғиб кетиши мумкин. Яна ўтиш ёши — ўсмирлик йиллари бор, ундан кейин ўн саккиз — балоғат ёши. Олим бир дўстининг ўғли йигирма бир ёшда

бўлиб етишди. Гўё бу ўз-ўзидан шундай содир бўлгандай эди. Аммо бунинг ортида хатти-ҳаракатлар ётарди. Ўзимиз кўп ўқирдик, таассуротларимизни болалар билан бирга таҳлил ётардик. Уйга келган меҳмонлар ҳам баъзан янги китоб ҳақида гурунглашиб қолишарди, уйимизда каттагина кутубхонамиз бор эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Солижон ва умр йўлдоши китобга муҳаббатни уйғотиш бўйича махсус равишда бирон режали ишни амалга оширганлари йўқ.

Одилжон Исҳоқов воқеани эслаб, уни шундай изоҳлади: «Ота-

**БЕТЕЛЬГЕЙЗЕ «ФАЗОВИЙ ШОУСИ»**

Яқин орада ҳаммамиз бир неча минг йилда бир маротаба содир бўладиган ноёб фазовий ҳодисанинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

«Қизил гигант» тоифасига кирувчи Бетельгейзе юлдузи шиддат билан ўз шаклини ўзгартирмоқда. Сўнгги йигирма йил мобайнида юлдуз кутблари тораийиб бориб, думалоқлигини йўқотди. Марказга интилувчи кўчлар тўғрисида юлдуз экватори ўз шаклини сақлаб турибди. Бундай ўзгаришлар унинг энг янги юлдузга айланмишига оз фурсат қолганини билдирувчи аломатлар ҳисобланади.

Ердан туриб кузатганда, бу ҳолат осмонда тўсатдан чақмоқ пайдо бўлганга ўхшаб кетади. Ёрулги жихатидан у тўлин Ойга ўхшаши ёки кўп деганда — Кўёшни эслатиши мумкин. «Фазовий шоу» тахминан олти ҳафта давом этади. Шу вақт ичида сайерамизнинг муайян қисмларида «оқ тўнлар» кузатилади. Ернинг бошқа қисмларида қўшимча икки-уч соатлик кундузги ёруллик ёки тунги осмондаги ўта янги юлдузнинг ажойиб манзарасидан завқланишингиз мумкин.

Портлашдан кейин ўч ҳафтадан сўнг ўта янги юлдуз сўна бошлайди. Бир неча йилдан сўнг Ердан фақат туманга ўхшаш нарса кўринаса, бир неча асрдан кейин Ерга фақат унинг зарядланган заррачалари тўлқинларига етиб келади. Нати-

**Коинот янгиликлари**

жада сайерамиз аҳли ионлаштирилган нурланишининг кичик дозасини олишади. Олимларнинг айтишларича Ер ва унинг аҳлига бундан ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

Бу воқеанинг ўзи чинакам ноёб ҳодисадир — араб ва хитой мунажжимлари ёзувларининг гувоҳлик беришича, ўта янги юлдузнинг сўнгги бор портлаши Ердан 1054 йили кузатилган. Ушунда мазкур фазовий ҳодисани кундузлари ҳам, яъни 23 соат мобайнида кузатиш мумкин бўлган. Айна уша портлаш натижасида Бузоқ буржида денгиз қисқичбақасига ўхшаш туманлик пайдо бўлган.

**МАРСГА «ЕРДАГИ ПАРВОЗ» БОШЛАНДИ**

«Марс — 500» номи билан Қизил сайерага парвоз бўйича Ердаги машқлар шу йилнинг 3 июнида бошланган. Мазкур тажриба-синов ишлари 520 кун давом этиб, унинг иштирокчилари 2011 йилнинг ноябига «Ерга қайтишади».

Парвоз синовларида Россия, Европа Иттифоқи ва Хитойдан олти киши қатнашмоқда. «Марс — 500» лойиҳаси директори Борис Морукков маълумотига кўра, Россиядан Бакулев номидаги юрак-қон томир институти кардиохирург Сухроб Камолов, Москва яқинидаги фазогирларни тайёрлаш марказининг икки ходими, муҳандис-

механик Михаил Синельников ва мутахассислиги бўйича кemasoz-муҳандис Алексей Ситев, шунингдек, ҳарбий тиббий институтининг собик ходими, Фарбий-тиббий академияни тугатиб, амалиётчи-шифокор сифатида ишлаётган Александр Смолевский иштирок этишмоқда.

Европа Иттифоқи вакиллари иштирокчилар номларини аввалдан эълон қилишганди. Улар — италийлик Диего Урбина ва француз Шарл Романлардир. Италиялик иштирокчининг ёши 26 да бўлиб, унинг касби фазогирлик соҳаси билан боғлиқ. 31 яшар Роман композит панеллар ишлаб чиқарувчи компанияда меҳнат қилади.

Экипаж Россия Фанлар академияси тиббий-биологик муаммолар институтининг махсус жиҳозланган корпусларида 520 кун давомда ташқи дунёдан ажралган ҳолда яшайди. Кўнгиллилар яшайдиган шарт-шароитлар имкон қадар фазо кемаси шарт-шароитга яқинлаштирилган. Аммо вазнисизлик ҳолати моделлаштирилмади.

Мазкур тажриба-синов ишлари ташқи дунёдан ажралган ҳолда яшаш ва гаиродуодий шароитларнинг инсон организмга таъсирини ўрганиш бўйича амалга ошириб келинаётган кенг қўламда лойиҳанинг учинчи босқичи ҳисобланади. 14 кун давом этган биринчи босқич 2007 йилда ўтказилганди. «Марс — 500» тажрибаларининг 2009 йили бўлиб ўтган иккинчи босқичида кўнгиллилар биргалликда 105 кунни ўтказишган.

**Санъат оламида**

**ШЕКСПИРНИНГ ЯНА БИР ПЬЕСАСИ ТОПИЛДИ**

Британиялик олимлар яна бир пьесани буюк инглиз драматурги Уильям Шекспир қаламига мансуб деб топишди. 300 йил илгари аниқланган «Икки бор ёлғон» деб номланган бу пьеса XVII асрдан буён қалбаки ҳисобланиб келинарди.

Ноттингем университети олимлари ўтказган махсус тадқиқот натижалари бир неча асрдан бери яшаб келган пьеса муаллифи ҳақидаги шубҳаларни ниҳоят йўққа чиқарди. Маълум бўлишича, ҳар қалай, асар Шекспирга тегишли бўлиб чиқди, лекин у яна бир драматург — Жон Флетчер билан ҳамкорликда ёзилган экан. Шекспир бошқа иккита пьесаси устидаги ишда ҳам шу муаллиф билан ҳамкорлик қилгани маълум. Шунинг учун бунда бирон-бир нотабий нарса йўқ, дея таъкидлашади олимлар.

«Уша вақтда ёзилган пьесаларнинг каммида ярми ҳаммуаллифликда битилган», — дея қайд этди Ноттингем университетидадан профессор Брин Хаммонд. У Шекспирнинг «Икки бор ёлғон» пьесаси ҳам киритилган сўнгги асарлар тўпламларидан бирига муҳаррирлик қилган.

Унинг айтишича, «Икки бор ёлғон» 1612 йили Сервантеснинг «Дон Кихот» асари таржимаси босилиб чиққанидан кейин кўп ўтмай ёзилган. 1613 йили эса, ушбу пьеса каммида икки марта сахнада намойиш этилган. XVII асрда «Икки бор ёлғон»нинг янги постановкасини амалга оширишга уриниш бўлган. Бироқ Шекспир асарига «мослама» сифатида баҳоланган бу пьеса қалбаки деб топилиб, афтидан айнан ўшандан бери унинг Шекспир қаламига мансублиги инкор этиб келинаётганди.

**Қизиқарли янгиликлар**

**«ҚОҒОЗДАГИ БАХТ» ТЎПЛОВЧИСИ**

Россиянинг Курск шаҳар мусика мактаби ўқитувчиси Михаил Мамонтовни «Бахт коллекционер» деб аташади. У жамоат транспортида омадга «тузоқ қўяди» — яъни 5 рубль тўлаб, чипта оларкан, унинг олдинги уч рақами йиғиндисини кейинги уч рақам йиғиндисига қўшиб қўлади. Мабодо, рақамлар тўғри келиб қолса — демак, бугунги кун омадли келади.

Михаилда бу одат бошланганига 13 йил бўлибди. Иримга кўра, бахтли чиптани чайнаб ютиб юбориш керак — шунда орузингиз рўёбга чиқади. Лекин мусика устози чипталарини йиғиб боришга қарор қилди. Ҳозир у йиққан чипталар сони 330 дан ошиб кетди. Шунчақ ирим билан яшаш қизиқарлироқ, дейди коллекционер. «Бу-

гунги кун омадими ёки йўқми — чиптага қараб аниқлайсан. Кўпинча кун ҳақиқатан омадли қолишига қарайди. Шаҳар автобуси чипталарини Татьяна ҳам шахарликларнинг кўпчилиги бахтли чиптага ишониларини таъкидлайди. Баъзилар ҳатто бахтли чиптани сотишни илтимос ҳам қилиб қўришади, дейди у. Чиптани олишди-да, бахтли чипта экан — демак, ҳаммаси яхши бўлади, дейишади. Бир хиллар, бугун нимадир харид қилдирган бўлдиқ, деб ҳам қўйишади.

Бир кўни Михаил Мамонтов бахтли чиптани олиб, чайнаб ютиб юборган йўловчини кутқариб қолди. У бутун трамвайга бахтини эълон қилиб, чиптани ютиб юбориши билан назоратчилар қиқиб қолишди. Иримни тушунтиришга тўғри келиди: йўловчининг омади келиб, «Кўёнга жарима солинади. Мамонтов институтга биринчи уришидаёқ кириб кетганини ҳам «бахтли чипта» билан боғлайди. Бахтли чипта кайфиятни кўтарди, кўтарини кайфиятнинг ўзи эса, дейди коллекционер, омадни етақлаб келади...

**РОНАЛДИНЬО ҲЕЧ НАРСАГА ПУЛ ТЎЛАМАЙДИ**

Жаҳонда энг кўп даромадли футболчилардан бўлган Роналдиньо Гаушу (Роналдо ди Ассис Морейра) ҳамма нарса унга бепул тушиши тўғрисида ҳиссада ҳеч қачон пул олиб юрмаслигини тан олган. Испаниянинг «Барселона» клуби ярим ҳимоячиси бўлиб ўйнаган Роналдиньо Бразилиянинг «Плакар» журналича берган интервьюсида қуйидагиларни айтган:

«Мен қаерга бормайин, ҳамма жойда мени меҳмон қилишади. Ресторанга кириб овқатланиб бўлганидан кейин, навбат тўловга келганида, «Муассаса ҳисобидан тўланади», дейишади. Кўпроқ овқат ва ширинликлар емаганимдан афсусланиб қоламан, — дея ҳикоя қилади машҳур тўпсурар. — Одатда мен ёнимда пул олиб юрмайман. Мен пул тўлайдиган биргина нарса — кредит картчаси ёрдамида машина заправкасига тўланадиган ҳақдир».

шини билмайман, бу масала билан қизиқмайман», — деган 2002 йилги жаҳон чемпиони.

**ПАРВОЗ ҚИЛУВЧИ ИЛК АВТОМОБИЛЬ — СОТУВДА**

Парвоз қилувчи илк автомобиль жаҳонда биринчи марта савдога қўйилган. Унинг яратувчиси TerraFugia компанияси бўлиб, унинг ходимлари орасида NASAnинг собик муҳандислари бор.

Автомобиль иштирокчиларининг таъкидлашларича, у енгил ўт олади, этиллаштирилмаган бензинда юради ва оддий гаражга бемалол кирди олади. 5,8 метр узунликдаги машина йўлларда соатига 105 километргача юриб, ҳавода 500 километргача тезлик билан уча олади.

Парвоз қилувчи автомобилни бошқариш учун иккита лицензия — ҳайдовчилик гувоҳномаси ва учувчилар курсини тамомлаганлик ҳақидаги сертификат керак бўлади. Унинг тахминий баҳоси 200 минг долларга боради.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

«Сингапур-2010»

# СИНГАПУРГА ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАР БОРАДИ

Ўсмирлар Олимпиадасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда иштирок этадиган спортчилар нафақат ўз мамлакатини, балки қитъаси шарафини ҳам ҳимоя қилади. Олимпиада саралаш босқичларининг мураккаблиги, лицензиялар сони чеклангани учун йўлланмалар энг кучли, юқори салоҳиятли ва иқтидорли спортчиларгагина насиб этди.

Бадий гимнастика, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум, хотин-қизлар кураши бўйича Олимпиадада Осиё шаъни учун майдонга чиқадиган қитъамиз спортчилари Тош-

Шу йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда илк мартаба ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган истеъдодли спортчилар 31 спорт тури бўйича 184 медаллар жамланмаси учун куч синашади. Бўлажак беллашувларда йигирмадан зиёд ҳамюртимиз ўн тўрт спорт тури бўйича мусобақаларда қатнашади.

раҳнамолигида ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқ авлодни тарбиялаш давлат сийёсати даражасига кўтарилди. Спорт – инсоннинг жисмоний ва маънавий камолоти асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшлар учун ўз қобилияти, истеъдоди ва имкониятларини рўйбга чиқариш воситаси сифатида жадал ривожланмоқда.

Сингапур Олимпиадасининг саралаш мусобақаларида ҳамюртларимиз қайд этган натижалар мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёш

чиқдим. Халқаро Олимпия кўмитаси Сингапурда бадий гимнастиканинг яққалик беллашувларида Осиёнинг энг кучли икки гимнастикачиси қатнашишини белгиланган. Бу бизга қўшимча масъулият юклайди. Шунинг учун Олимпиадага катта иштиёқ билан тайёргарлик кўрялган. Бу борада махсус дастур бўйича шуғулланиб, Сингапурда ҳакамлар ҳукмига ҳавола қилинадиган композицияларни янада мукамал ва пухта ўзлаштириш ҳаракатидаман. Жорий мавсумда мамлакатимизда ўтказилган мусобақалар, Португалия, Франция, Испания ва Голландиядаги халқаро турнирлар мен учун Олимпиада ўйинларига тайёргарлик босқичи вазифасини ўтади.

Сингапур Олимпиадасида курашчиларимиздан ҳам умид катта. Чунки Ўзбекистонда ўзининг азалий анъаналарига эга кучли кураш мактаби шаклланган. Эркин ва юнон-рум курашчиларимиз спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – ёзги Олимпиада ўйинларида учта олтин ва учта кумуш медалга сазовор бўлгани ҳам спортнинг бу тури юртимизда юксак даражада равнақ топаётганидан далolat.

30 апрель – 2 май кунлари Тошкентда ўсмирлар ўртасида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё саралаш мусобақаси тажрибали курашчиларимизга муносиб ўринбосарлар тайёрланаётганини кўрсатди. Тўрт вакилимиз Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Улар орасида самарқандлик Руслан Комиловнинг тажрибаси катта. Юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлган Р.Комилов пойтахтимиздаги саралаш турнирида ҳам барча рақи-



ларини катта устунлик билан енгди.

Юнон-рум курашчиларига ажратилган иккинчи йўлланма Самарқанд олимпия захиралари спорт коллежи талабаси Нурбек Ҳаққуловга насиб этди. У ўз вазн тоифасидаги беллашувларда қозогистонлик Абулай Медеуов, ҳиндистонлик Ражниш Пхоугат ва қирғизистонлик Шодидбек Сулаймоновдан устун келиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўсмирлар Олимпиадаси – мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик шодиёнаси арафасида бўлади, – дейди Н.Ҳаққулов. – Биз, спортчилар халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб совға тайёрлашни мақсад қилганимиз. Чунки халқаро майдонда ўзимиз туғилиб ўсган юрт номидан қатнашиш истиқлол шарофатидан эканини чуқур ҳис қиламиз.

Халқаро Олимпия кўмитаси ва Халқаро спорт курашлари федерацияси қарорига кўра, эркин кураш ва хотин-қизлар кураши бўйича саралаш мусобақасида муваффақиятли қатнашган мамлакатларга фақат биттадан йўлланма берилди. Тошкентдаги турнирда эркин курашчи Диёрбек Эргашев олтин медал ва йўлланмага сазовор бўлди. Бу Диёрбекнинг шу кўнунгача эришган энг катта ютуғидир. Хотин-қизлар кураши беллашувларида қатнашган қорақалпоғистонлик умидли курашчи Нилуфар Гадоева Хитой Тайпейи вакиллари Чиа Чанг Ли ва мўғулистонлик Ермакбай Давачимегни енгиб, олимпиада йўлланмасига сазовор бўлди.

Ўзбекистонлик курашчилар тайёргарликнинг сўнги босқичини пойтахтимиздаги «Динамо» спорт базасида ўтамоқда. Бу ерда улар учун зарур шароитлар яратилган. Жумладан, замонавий трена-

жёрлар, кураш гиламлари, барча қулайликларга эга ётоқхона, ошхона, ювиниш, тиббиёт хоналари ҳам спортчилар хизматида. Курашчиларга тажрибали мутахассислардан Олим Қурбонов, Дамир Ҳусайнов, Олим Ҳикматов сабоқ бермоқда.

Сингапур Олимпиадасида оғир атлетика бўйича 1993-1994 йилларда туғилган ўғил-қизлар совринли ўринлар учун курашади. Спортнинг бу тури бўйича Осиё номидан майдонга чиқадиган полволларнинг аксарияти Сингапурга Тошкентдан йўлланма олди. Қоидага кўра, саралаш мусобақаларида муваффақиятга эришган ҳар бир мамлакат терма жамоасига иккитадан йўлланма берилди.

Пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида ўсмирларимиз учта олтин, битта кумуш ва учта бронза, қизларимиз эса учта бронза медалга сазовор бўлди ва бу натижалар асосида терма жамоамизга иккита йўлланма берилди, – дейди оғир атлетика бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Ойбек Турғунов. – Биз Олимпиадада қатнашиш учун ҳар томонлама муносиб спортчилар – Зиёвуддин Қутбиддинов ва Ганна Пуставаровани танлаб олдик.

Оғир атлетикачиларимиз Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган спорт базасида сўнги йиғинларни ўтказмоқда. Бу ерда машғулотларни юқори савияда ташкил этиш учун барча қулайлик муҳайё. Полволларимиз тажрибали мураббийлар ва мутахассислар назорати остида кучайтирилган машқлар орқали санокли кунлардан сўнг бошланадиган ўсмирлар Олимпиадасига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрмоқда.

**Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ, Байрам АЙТМУРОДОВ**



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Ҳар кишиким, сақламас  
ўз поясин,  
Елга берур жумлайи  
сармоясин.  
\*\*\*  
Манзили мақсуда етар  
ул киши,  
Шому саҳар бўлса риёзат иши.  
\*\*\*  
Улким, эрур нафсу  
ҳавога асир,  
Бўлмади бир зарра  
насихатпазир.  
\*\*\*  
Торта тут илгингни  
жаҳон молидин,  
Асрагил ўзунгни анинг  
молидин.  
\*\*\*  
Ҳурматга етганда  
унутма ўзунг,  
Яхши ёмондин аяма  
хуш сўзинг.  
\*\*\*  
Тиймаса бу тилни етар бошга.  
\*\*\*  
Одамнинг айбини ўтар қарам,  
Кимда қарам бўлса,  
бўлур муҳтарам.  
\*\*\*  
Сен қўй адаб бирла бу  
йўлда қадам,  
Ҳар не жафо етса санга,  
урма дам.  
\*\*\*  
Бир кишидин тегса  
ёмонлик санга,  
Яхшилик эт сен,  
гузаро бўл анга.  
\*\*\*  
Қилма жафо бирла ани  
беҳузур,  
Баднафс ўлма даме,  
бўл сабур.  
\*\*\*  
Ўзга билан ўзганинг  
не иши бор.  
\*\*\*  
Бандайи ким хидмати  
мақбул этар,  
Оқибат-ул-амр муродин топар.  
\*\*\*  
Отанг, онанг турбатина  
қил гузар,  
Ҳолина айлаб назар  
олгил хабар.  
\*\*\*  
Бордир алар, келди  
санинг навбатинг,  
Яхшилик эт эмдики,  
бор фурсатинг.  
(«Маҳобҳорат» достонидан)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



кент шаҳрида ўтказилган саралаш мусобақаларида сараланди. Бу беллашувлар ҳамюртларимиз учун ҳам омадли келиб, режалаштирилган барча йўлланмалар қўлга киритилди. Шу боис спорт жамоатчилиги ва муҳлислар бадий гимнастика, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум, хотин-қизлар кураши бўйича спортчиларимизнинг Сингапурдаги чиқишларини алоҳида эътибор билан кузатади.

Халқаро Гимнастика федерацияси (FIG), Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF), Халқаро спорт курашлари федерацияси (FILA) каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг дунёда энг оммалашган спорт турлари бўйича саралаш турнирларини ўтказиш ҳуқуқини мамлакатимизга топширгани бежиз эмас. Чунки юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан Президентимиз Ислам Каримов

авлодни соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, истеъдодли ёшларни кашф этиб, улардан маҳоратли спортчиларни тарбиялаш тўғри йўлга қўйилганини яна бир қарра намён этди. Саралаш беллашувлари давомида Олимпиада ўйинларидек нуфузли мусобақада иштирок этишга муносиб эканини йиқиб олган ёш спортчиларимизнинг Сингапурда ҳам муваффақиятга эришишига нафақат Ўзбекистон, балки Осиё қитъаси мамлакатлари вакиллари ҳам катта умид билдирмоқда.

– Илк мартаба ўтказиладиган ўсмирлар Олимпиадаси ёш спортчилар учун йилнинг энг масъулиятли мусобақасидир, – дейди ЎАА муҳбирларига бадий гимнастикачи Азиза Мамажоновна. – Мен шу йилнинг феврал ойида пойтахтимизда ўтган Осиё чемпионатида голиб

### Енгил атлетика

## БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Ҳиндистонда енгил атлетика бўйича ташкил этилган «Asian all stars athletics» халқаро турнирида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси муваффақият қозонди.

рашда Юлия Тарасова иккинчи ўринлар билан кифояланишди. Шунингдек, 1500 метрга югуришда Екатерина Тунгускова кумуш медал олган бўлса, 5000 метрлик масофага учинчи бўлиб етиб

келди. Уч хатлаб сакрашда Александра Котляровага кумуш, 100 метрга тўсиқлар оша югуришда Анастасия Прошкинага бронза медаллари насиб этди.

қўлга киритган спортчиларимизнинг ушбу муваффақияти яқинлашиб келаётган юртимиз Истиқлолнинг 19 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

**Ақбар ЙҮЛДОШЕВ**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан ўтказиб келинадиган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилди.

### Ёз — ўтмоқда соз

## ҲАЙВОНОТ БОҒИГА САЁҲАТ

Лойиҳадаги ушбу йўналишдан мақсад ёшларнинг дунёқарашини ошириш, ҳайвонот дунёси билан яқиндан таништириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборатдир. Галдаги ҳайвонот боғига саёҳат 116-ва 242-мактаблар қошидаги «Ниҳол» ва «Кўёшжон» оромгоҳлари болажонлари иштирокида бўлиб ўтди.

Табиат олами билан танишув мазмунли бўлиши учун болажонларга ҳайвонот боғи мутахассислари бириктирилди. Фаол ўғил-қизлар, тадбирни ташкиллаштиришда ташаббус кўрсатган маҳалла вакиллари «Камолот» ЁИҲ совғалари билан тақдирланди.

**Раъно ТОШПҮЛОВА**

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчмас мулк баҳоси» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибига ўтказиладиган оқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига тақдирланган Чилонзор тумани СИБ томонидан, 24.07.2009 йилдаги 1-313/2009-сонли ижро ҳужжатга асосан хатланган, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Ҳ.Умаров кўчаси манзилида жойлашган, умумий майдони 56 кв.м., 2 та хонадан иборат бўлган савдо мажмуаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 8 603 204 сўм.

Аукцион савдосига 2010 йил 31 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйилган ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz)

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65, факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
2765 тиража босилди.  
Қиёс билими А-2

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
1235